



УСМОНХЎЖА ПЎЛАТХЎЖАЙЕВ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШДА ПРОФЕССОР Р.Т.ШАМСУТДИНОВНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

А.Турсунбоев

АндДУ Тарих факултети 2 – босқич магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11202431>

Аннотация: Совет даври йилларида Жадидчилик фаолиятининг йирик намоёндаларидан бири Усмонхўжа Пўлатхўжайев фаолияти салбий танқид қилинди. Ватанимиз мустақилликка эришгач, биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Андижон давлат университети Профессори Рустам Темирович Шамсутдинов ўзининг “Усмонхўжа ватан хоини эмасди” мақоласи орқали тарихий ҳақиқатни ёритди. Бу мақолада Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг жадидчилик фаолияти, уни хоинликда ноҳақ айблангани, мухожирликка чиқиб кетишдаги асосий сабаби ва бошдан кечирган қийинчиликлари батафсил ва холисона ёритилган.

Аннотация: В годы советской власти негативной критике подвергалась деятельность Усмонходжи Полатходжаева, одного из крупнейших представителей деятельности Джадидизма. После обретения нашей страной независимости одним из первых деятелей культуры, служивших в Узбекистане, профессор Андижанского государственного университета Рустам Темирович Шамсутдинов в своей статье «Усмон Ходжа не был предателем Родины» осветил историческую правду. В данной статье подробно и объективно освещена революционная деятельность Усмонходжи Полаходжаева, его несправедливое обвинение в измене своему народу, основная причина эмиграции и трудности, с которыми он столкнулся.

Мустақиллик йилларида ҳаққоний ўрганила бошланган Россия империяси ва совет даври мустамлакачилик даврида халқ манфаати, юрт тақдири ва унинг озодлиги учун курашган тараққийпарвар, маърифатпарвар шахсларнинг ҳаёти, фаолияти ва хизматлари ватанимиз тарихини холисона ёритишга, буюк аجدодларимиз миллий қиёфасини, уларнинг ибратли ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолиятини теран англаб етишга ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ ёрдам бермоқда. Юртимизда айниқса, XIX аср охири – XX аср бошларида миллий озодлик учун курашда фаол иштирок этган маърифатпарвар, тараққийпарвар шахсларнинг хизматларини холис ўрганиш, эътироф этишга бағишланган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси





Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Биз жадинчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанчалик кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётни қадрини англаб етади» [1] Шу нуқтаи-назардан қараганда, миллий тараққийпарвар – жадинлар фаолиятини ўрганиш, уларнинг номини абадийлаштириш, ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш, илмий хулосалар чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2023 йил 6 мартда «Жадинлар меросини ўрганишга бағишланган халқаро конференция иштирокчиларига табрик» йўллади. Унда XIX аср охири ва XX аср бошларида бир қатор Шарқ ва мусулмон мамлакатларида вужудга келган жадинчилик ҳаракати Туркистон ўлкасида теран тарихий илдишларга эга экани, бу улкан ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамиятга молик бўлган Туркистон жадинлари ғоят мураккаб ва қийин шароитда билим ва маърифатга эришиш ғояси билан майдонга чиққанлари алоҳида таъкидланди. Улар ўз маблағлари ҳисобидан мактаб ва театрлар, нашриёт ва кутубхоналар, газета ва журналлар ташкил қилдилар, қобилиятли ёшларни чет элларга ўқишга юбордилар. Уларнинг бу олийжаноб ташаббус ва ҳаракатлари жамият ҳаётида кучли акс садо бериб, қудратли тўлқинга айлангани алоҳида таъкидланди. «Ўйлайманки, – деб айтди Юртбошимиз, – тарихда икки буюк Ренессансга замин бўлган минтақамизда учинчи Ренессансни айнан жадин аجدодларимиз амалга оширишлари мумкин еди. Афсуски, мустабид тузум уларнинг эзгу ғоя ва амалий ҳаракатларини тўла рўёбга чиқаришга имкон бермади». [2] Ўз моҳият эътиборига кўра ноёб ижтимоий-сиёсий феномен бўлган жадинчилик ғоясининг шаклланиши ва тараққиётига доир дунёнинг бир қатор мамлакатларида кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ушбу ҳаракат намояндаларининг Марказий Осиё ҳудудидида миллий давлатчилик ва минтақавий ўзига хосликни, фуқаролик жамиятининг ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини концептуал ва тизимли асосда атрофлича ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Туркистондаги ислохотчилик ҳаракатларининг муҳим аъзоларидан бири, 1921 ва 1922 – йиллардаги Бухоро Халқ Жумҳурияти МИҚ раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев 1878 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилоятидаги Андижон, Қўқон, Марғилон каби





уездларидан бири ҳисобланган Ўш уезди Ўш қасабасида (шаҳарча) туғилган. Болалигидаёқ отасининг юрти Бухорога келган Усмон Хўжа баҳор ва ёз ойларида табиати сўлим Ўшда бўлар, отаси Пўлатхўжанинг савдо-сотиқ ишларига ёрдам берарди.. [3.12] Манбалар таҳлили Туркистонда, жумладан, Бухорода маърифатпарварлик ҳаракатининг ривожланишига бир қатор маърифатпарварлар қаторида Усмонхўжа Пўлатхўжаев томонидан катта ҳисса қўшилганлигини кўрсатади.


XIX асрнинг охири XX аср бошларида Шарқ мамлакатларида миллий озодлик учун кураш ғоялари ниҳоятда кучайди ва айна пайтда Россия империясига вассал ҳисобланган Бухоро амирлиги ҳам бу жараёнлардан четда қолмади. Маънавий – маърифий жиҳатдан қолоқ, иқтисодий аҳволи танг ва маданияти оёқ ости қилинаётган Бухорода ислоҳотчилик ва маърифатпарварлик ҳаракатини жонлантириш ва кучайтириш заруратини тақазо етарди. XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Бухорода 33 та олий тоифали, 30 та ўрта тоифали мадраса, 11 та кутубхона фаолият кўрсатган. Бухородаги қуйи, ўрта, олий, яъни уч босқичда таълим берадиган, ўрта асрларда машҳур бўлган мадрасалар, масжидлар қошидаги бошланғич мактаблар замон талабларидан орқада қолиб, мутаассиблик, консерватизм, давлат бошқарувида таъмагирлик, уруғ-аймоқчилик ва порахўрлик каби иллатлар кучайган еди .[4.25] Жамиятнинг илғор қатлами вакиллари – янги тизим тарафдорлари (жадидлар) ва маърифатпарварлар юзага келган ушбу ҳолат жамият тараққиётининг асосий тўсиқлардан бири еканлигини ҳисобга олиб, бошланғич мактаблар тизимини ислоҳ этиш, миллий таълим тизимини янгилаш йўналишида ҳаракат олиб бордилар. Туркистондаги ислоҳотчилик ҳаракатларининг муҳим аъзоларидан бири Усмонхўжа Пўлатхўжаев хотиралари ҳақида қўлёзмалар ҳозирги кунга қадар жуда кам сақланган. Айниқса Усмонхўжанинг 1900 ва 1922 йиллар оралиғидаги Туркистондаги фаолияти жуда кам ўрганилган. Бунга асосий сабаб қилиб 68 йиллик Совет ҳукмронлиги даври деб ҳисоблашимиз мумкин. Аммо ушбу йилларда йирик жадид намоёндаси, миллий мустақиллик курашчиси бўлган Усмонхўжа Пўлатхўжайев фаолияти адабиётларда салбий талқин қилинди. Ўзбекистон 1991-йил 1 – сентябрда мустақилликка эришгач, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Андижон давлат университети Профессори Рустамбек Темирович Шамсутдинов биринчилардан бўлиб 1991 – йил 15 – октябрда “Халқ сўзи” газетасида босилган “Усмон Хўжа Ватан хоини эмасди” номли мақоласи орқали Усмонхожа Пўлатхўжайев ҳақида





холис ҳақиқатни ёритди: Биз, тарихчилар, Усмонхўжа Пўлатхўжаевни ҳанузгача «ватан хоини», «инглиз жосуси» деб келдик. Тарихий асарларимизда масалага ҳар томонлама ёндашмасдан, «аравани қуруқ олиб қочиб», осонгина мақсадга еришиш учун Усмонхўжа ва унга ўхшаш инқилобимиз қурашчилари, пешқадамларига «ватан хоини», «инқилоб душмани», «буржуа миллатчиси», «туркпараст», «исломпараст» каби ёрлиқлар ёпиштириб келдик. Шундай йўл билан ўз асарларимиз, тадқиқотларимиз, дйссертацияларимиз «синфий, партиявий, байналмилал замонавий руҳда» ёзилганини исботлашга уриндик. [5]


Дарҳақиқат, Совет иттиқфоқи мустамлакачилик даврида нафақат Усмонхўжа Пўлатхўжаев каби халқ қаҳрамонларини, балки жуда кўплаб жаидларни қилмаган қилмишлари учун айбладилар, уларни “Қатагон” деб аталган дахшатли судга тортдилар, адабиётларда уларни халқ душмани, ватан хоини деб атаб, ёш авлодни онгида миллий мустақилликка интилиш, мустамлакачилардан озод юрт барпо қилиш каби муқаддас туйғулар уйгонмаслигини таъмин этдилар. “Аммо Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг тўла сиёсий портретини чизиш, унинг босиб ўтган ҳаёт йўли, фаолиятининг ижобий ҳамда салбий жиҳатлари ҳужжатли манбалар, есдаликлар асосида пухта ўрганилмоғи, холисона баҳоланмоғи лозим. Биргина Усмонхўжагина емас, унга ўхшашларни ҳам халқимизга таништириш, ким ҳақ-у, ким ноҳақ, аслида, нима бўлганини соф қалб билан ёритиш тарихчи, публицист, адибларнинг бурчидир.” деб ёзади Профессор Р.Т.Шамсутдинов. Юқорида таъкидланганидек миллий мустақиллигимиз учун қурашган маърифатпарвар шахсларнинг совет давридаги манбаларда қоралаб ёзилиши уларнинг ватан ерки учун амалга оширган ишларини , ўзларининг шахсий феноменини тарихий фактларга асосланиб холосона ёритиб беришга тўсқинлик қилиб келди. Совет даврида яратилган ва Усмонхўжа ҳақида салбий фикрлар билдирилган илмий адабиётлар гуруҳига М.Ойқорали, С.М.Каримий, Ғ.Аббоснинг икки бор нашр этилган китобини, А. Аъзамов, И.Фозилов, З.Фармонов ва хориждаги ватандошлар билан алоқа боғлаш Ватан жамияти (1976-1992 йиллар) томонидан чоп этилган махсус нашрларни, ҳуқуқшунос олим О.Э.Эшонов ишларини киритиш мумкин. Ушбу адабиётлар совет ҳокимияти йилларида шаклланган комунисттик мафкура, синфийлик назарияси, марксча-ленинча методологияга асосланган бўлиб, хориждаги ўзбек(туркистонлик)лар ва совет даври муҳожирлари, жумладан, Усмон Хўжа Пўлатхўжаев шахси бир ҳил андоза ва қолипдаги “ватан хоини”,





“сотқин”, “буржуа миллатчиси”, “халқ душмани” сифатида талқин этилган. Булардан ташқари Профессор Р.Т.Шамсутдинов Совет даврида Усмонхўжа Пўлатхўжайев шахсининг қораланишига оид бир қанча мисолларни ўз мақоласи орқали келтириб ўтади.

“Атиги бир-икки мисол келтирамиз. Х.Турсунов билан А.Макашов ҳамкорликда 1983 - йилда рус тилида чоп этилган «Бухоро Коммунистик партиясининг ташкил топиши ва фаолияти» монографиясида Шарқий Бухородаги воқеалар ва Шарқий Бухорога келган Умумбухоро марказий ижроқўм раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг сотқинлиги, ватанга хоинлик қилиб босмачилар томонига ўтиб кетганлиги, жумҳурият ҳукумати ҳамда марказий ҳукумат ташкилотларини фавқулодда заифлаштирганини ёзгандилар (139-бет). Х.Иноятовнинг 1984 йилда Москвада чоп этилган «Ўрта Осиё халқлари интервентларга ва ички контрреволюцияга қарши курашда» номли монографиясида шундай сатрлар бор: «Собиқ ёш бухороликлардан чиққан аксилинқилобий унсурлар партия ва ҳукумат раҳбарлигига жойлашиб олиб, зимдан халқ ҳокимиятига қарши кураш олиб бордилар, масалан, Марказий Ижроқўм раисى Усмонхўжа Пўлатхўжаев қишлоқларда тузилаётган ревкомлар раҳбарлигига бойлар, қўрбошилар, амир амалдорларини қўйишга йнтелиб, халқ орасида Советларга қарши, миллатчилик ишлари олиб борди, Шарқий Бухорога жўнатилган ўз укаси Отахўжаев (аслида эса Отахўжа Пўлатхўжаев – Р.Ш.) орқали тор-мор қилинган амир қўшинлари қолдиқларидан тузилган босмачилар тўдаси билан алоқа ўрнатди». Салбий баҳолар, шарҳлар юзлаб китоб, рисола, мақолаларда айтилиб келинмоқда. Эндиликда эса бундай таҳлиллардан холи бўлиб, аслида, нимаики бўлса, шундай ёзиш, ҳар бир сиёсий арбобнинг ҳам йжобий, ҳам салбий томонларини айтиш, тарихий шахсларни адолатли баҳолаш вақти келди. ...”[5] Тарихчи ва сиёсатшунос, Мичиган университети Профессори БХШЖ МИҚ раиси ҳисобланган Усмонхўжа Пўлатхўжайевнинг ўғли Темурхўжа 2023 – йил апрел ойида Ўзбекистон телеканалларидан бирида олиб борилган суҳбат жараёнида шу кунгача адабиётларда келтирилган 1920 - йилда ташкил этилган Бухоро ҳукуматининг БХСР деб номланишида биров хатолик бор эканини билдирган еди. Бу ном билан боғлиқ хатоликда Бухоро Халқ Совет Республикаси емас, Балки Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти, яъни БХШЖ деб номланишини тарихчиларга таклиф қилган эди. “Бухоро Советлар қурган Республика эмас эди, Бухоро миллий мустақил давлат эди” дейди Темурхўжа. [6] Профессор Р.Шамсутдинов еса “Усмон Хўжа Ватан хоини эмасди” номли





мақоласида 1920 - йилда Бухорода ташкил топган ҳукуматни “Бухоро жумҳурияти” ёки “БХШЖ” деб номлайди. Бу ҳам Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг ўша даврдаги вазиятни тўғри баҳолай олганини, тарихни ҳолисона ёритганини исботлайди. Профессор Р.Т.Шамсутдинов Усмонхўжа ҳақида Бухорода инқилоб амалга ошириб, мустақил давлат тузиш мақсади йўлида болшевиклардан ёрдам олгани ва уларнинг армиясини Бухорога киритгани унинг хатоси бўлганини тан олганини ва советларга қарши иттифоқчи излаб Шарқий Бухорога , сўнг эса Афғонистон, Покистон ва бошқа давлатларга мухожирликда ҳаёт кечирганини ёзиб, Усмонхўжанинг нима сабабдан ватанни ташлаб чиқишга мажбур бўлганини ва ватан соғинчи билан яшаш нақадар оғир бўлганини ўз машаққатли изланишлари орқали ёритади.

“Фрунзе жанобларига хайрихоҳ бўлган ёш бухороликлар фирқасининг раҳбарлари нотўғри иш тутганларини кейинчалёқ тушуниб етдилар. Масалан, Бухоро жумҳуриятининг раиси (Марказий Ижроқўм раисӣ – Р.Ш.) Усмонхўжа, 1923 йил (1922 йили – Р.Ш.) хатосини тушуниб етди. 1921 йил августда бўлиб ўтган Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти Шўроларининг II қурултойида Усмонхўжа Пўлатхўжаев БХШЖи Марказий Ижроия Қўмитаси раиси этиб сайланади. Темурхўжа отасининг Афғонистонга ўтиб кетгани ҳақида шундай дейди: «Отам 1922 йили Афғонистонга инглизлардан Бухоро жумҳурияти миллий қўшини учун қурол сотиб олиш ниятида боради. Аммо нияти амалга ошмайди. Мурод ҳосил бўлмаган бир дамда отам амаким Файзуллахўжадан «Бухорода аҳвол ёмон, келманг, хоинликда айбланасиз» мазмунида хат олади... Кўриб турибсизки, отамнинг шу кундан бошлаб сўнгги ҳаётӣ ватан деб ватансиз кечди...» Айни шу масалага оид ноёб ҳужжатни биз яқинда ЎзКомпартия архивидан топдик. Бу ҳужжат Бухоро Компартияси Марказқўмининг 1922 йил 6 июлдаги Пленум материаллари стенограммасидир. Ҳужжатнинг асли арабча ёзувда – ўзбек тилида. Бу ҳужжат айнан бўлмаса-да, мазмунан русчага таржима қилинган. Афтидан, ҳужжат турғунлик йилларида русчага таржима қилинганга ўхшайди. Араб ёзувидаги бу ҳужжат рус графикасида ўзбекча кўчирилганда яхши бўларди.[5]


Юқорида келтирилган маълумотлар Профессор Р.Т.Шамсутдиновни Совет даврида турли ноҳақ бўхтонлар билан қораланган, аммо юрт мустақиллиги учун жон жаҳди билан курашган шахс тарихини чуқур ва ҳолисона ўрганишга қаратилган изланишларга мустақиллик йиллариданоқ, биринчилардан бўлиб жадал киришганлигидан далолат беради.





Профессор Р.Т.Шамсутдинов Бухоро инқилоби жонкуярларидан, Чоржўй Ревкоми аъзоси, 1921 – 1922 йилларда БХШЖининг Афғонистондаги элчиси, Кобулдан келган Абдурахим Юсуфзоданинг маърузаси қизғин муҳокама етилганини ўз мақоласида батафсил ёритади. “А.Юсуфзода ўз маърузасида Усмонхўжа ҳақида ҳам тўхталган. А.Юсуфзода Кобулдаги Бухоро элчихонасида турганида Усмонхўжа афандининг Афғонистонга ўтиб, у билан Али Ризо (БХШЖи ҳарбий вазири ўринбосари – Р.Ш.) биргалиги, аммо Али Ризо Мозори Шарифда қолгани, Усмонхўжа эса Кобулга келиб, шаҳар боғларидан бирида жойлашгани ҳақидаги хабарни элчихона вакилидан билади. Шу вақтларда Туркиянинг собиқ ҳарбий министри Анвар Пошо ҳам Афғонистон билан Шарқий Бухоро чегараларйда ўз қўшини билан турарди. У Али Ризо билан учрашади. «Мен, – деб айтади А.Юсуфзода, – Усмонхўжанинг қабулига келгунига қадар Ғози ҳожи исмли бир киши билан учрашгани ва суҳбатлашгани ҳақида хабар олдим, бу хабарнинг ҳаммасини ёзиб ҳам олдим, уни келтирган киши ҳозирда мен билан Бухорога келган. Усмонхўжа аввал туркларга қўшилган, эндиликда эса ўзи танҳо қолган. Али Ризо билан Дониёр ва Усмонхўжа бир-бирлари билан яхши муносабатда эмас, лоақал бирор сўзларини ҳам қўллаб-қувватламайдилар, улар Усмонхўжани қўрқитишга уринмоқдалар. Мен Бухорога телеграмма йўллаб, Усмонхўжа фақат бир масаладагина айбдор: мен Анвар Пошо васвасасига ва шу ишга берилиб подшо васвасасига учиб кетгани ва шу ишга берилиб қолганини қилдим хабар ». Шу вақтда Кобулда РСФСРнинг Афғонистондаги элчиси Фёдор Фёдорович Раскольников эди.”[5]

Совет ҳукумати ҳам БХСР давлат органларида масъул вазифаларда ишлаб турган Усмонхўжа Пўлатхўжаевни мақсадини билишга у хорижга ўтган дастлабки кунлардоноқ қизиққан. 1920-1922 йилларда БХСР ҳукумати номидан Афғонистонда элчилик вазифасини бажараётган Абдурахим Юсуфзода (1880-1937 йй.)ни совет Россиясининг Афғонистондаги элчиси Ф.Раскольников ўз ҳузурига чорлаб, Усмон Хўжа Пўлатхўжаевга одам юбориб у ҳақида ўзини воқиф қилишни талаб қилган. Тазйиқ туфайли Абдурахим Юсуфзода Бухоро элчихонаси бош котиби Мирза Муҳаммад Шариф Хўжани Усмон Хўжани ҳузурига юборган. Усмон Хўжа унинг Афғонистонга қочиб ўтиши сабаби билан боғлиқ саволга руслар томонидан оддий фуқароларни таланаётганлигига чидай олмаганлигини билдирган. Профессор Р.Т.Шамсутдинов А.Юсуфзода Усмонхўжанинг ёнига айнан кимни юборгани ва Усмонхўжанинг айтган гапларини ўз мақоласида батафсил ёритиб ўтади:





“РСФСР Бухоро Халқ Жумхуриятига қатъий таъийқ кўрсатгани сингари, Россиянинг Кобулдаги элчиси ҳам Бухоро элчисини кучли таъийқ остига олганга ўхшайди. Бу А.Юсуфзода маърузасидан ҳам қисман кўриниб турибди. «Мен Россия элчихонасидан келган вакилга бу ҳақда хабар берганимда у мендан Усмонхўжага одам юбориб, унинг мақсадини билишимни талаб этди. Шундан сўнг элчихона бош котиби Мирза Муҳаммад Шарифхўжани Усмонхўжа ҳузурига юбордим», – деб айтганди. Ўзаро учрашувдаги суҳбатда «Сиз нима сабабдан қочиб ўтдингиз?» деган саволга Усмонхўжа шундай жавоб қилган экан: «Мен ўрислар оддий фуқароларни қандай талаётганини, азоблаётганини кўрдим. Улар босмачилар билан курашиш ниқобида аҳолини таладилар, шунга ўхшаш ишлар кўп бўлди...» [5]

Нима бўлганда ҳам Усмон Хўжа Пулатхўжаев қўшни давлат Афғонистонга ўтиб, ҳарбий куч тўплаб Ватан озодлиги учун янгидан кураш майдонига кирмоқчи эди. Уни ўз она юртидан узоқлаштирган омил эса советларнинг буюк давлатчилик ва зўравонлигидан иборат сиёсат бўлганди.

Профессор Р.Т.Шамсутдинов Усмонхўжанинг ўғли Темурхўжанинг отаси ҳақида айтган гапларини ўз мақоласида ёритган: «Оллоҳнинг инояти билан отам 90 ёшда қазо қилдилар, – деб эслайди Темурхўжа. Энг кўп гапирадиган сўзи Ватан эди. Отам бизда ҳам она Туркистонга ғойибона муҳаббат уйғотган. Отам мурасасиз ва миллатпарвар одам эди. У ўз халқини ҳўрлашаётгани, отишаётганини, қулдай муомала қилишаётганини кўрса чидай олмасди. У Россияга қайта қарам бўлиб қолишни сира тасаввур қила олмасди. Шўроларга садоқат бўлан хўзмат қилган амаким Файзулла Хўжанинг тақдири нима бўлди? Отам 1923 йилдан ортмасди. Сиёсий бўлим барибир йўлини топарди...»[5]

«Усмон Хўжа Кобулда эканида Анвар Пошонинг 1922 - йил 5 - августда Душанбе яқинидаги Балжувонда вафот этгани ҳақидаги хабар келди. Бош вазир Файзулла Хўжа томонидан Бухородан Усмон Хўжага юборилган махфий хабарда Усмон Хўжанинг Бухорога қайтмаслиги, қайтса, руслар томонидан ҳибсга олиниб, қатл этилиши маълум қилинади. Россия ҳукумати Усмон Хўжанинг Афғонистонда ҳам қочиб кетишига йўл қўймайди. РСФСР, яъни совет Россиясининг Кобулдаги элчиси Фёдор Фёдорович Раскольников Усмон Хўжанинг орқасига турли жосусларни қўйиб, уни диққат билан кузатиб туради. Усмон Хўжани кузатиб, Россия элчихонасига маълумот берган





кишилардан бири Бухоро Республикасининг Абдурахим Юсуфзода исмли элчиси эди».[5]

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаб ўтишимиз мумкин-ки, Андижон давлат университети Профессори Р.Т.Шамсутдинов ўз мақоласи орқали Ёш турклар” ҳукумати собиқ раҳбари Анвар пошо Эски Бухородан Усмон Хўжага мактуб йўллагани, Усмон Хўжа у билан мактубий алоқаларда бўлгани ҳақидаги ишончли маълумотлар келтиради. Совет ҳукумати ва Қизил Армиянинг оддий аҳолига нисбатан талончилиги, озодлик ва тенглик фақат расман эканлиги, совет ҳокимиятининг шовинистик сиёсати, Бухорога мустақиллик бериш фақат сўздалиги каби омиллар туфайли Усмон Хўжа Пўлатхўжаев советларга қарши курашга киришди. Унинг ушбу ҳаракатлари Шўролар ҳукумати томонидан салбий баҳоланиб, “қора рўйхат”га киришига сабаб бўлган. У 1922 йилнинг 10 апрелида хориждан ҳарбий ва молиявий ёрдам олиб, “босмачи” тўдаларни ягона куч сифатида бирлаштириш мақсадида қўшни Афғонистонга ўтди, бироқ режалари амалга ошмай, аввал Афғонистонда ва 1923 йил июнидан Туркия (Истанбул)да умрбод қолиб кетди.

Усмон Хўжанинг ҳаёти ва тарихий тақдири совет ҳокимияти йилларида муҳожирликка маҳкум этилган миллионлаб ўзбеклар сингари аянчли, оғир дарбадарликда, баъзан муҳтожликда кечди. У бир умр Ватан соғинчи билан яшади. Учта оиласидан 4 нафар фарзанд кўрди, тўнғич ўғли Ходихўжа Бухорода қолди, икки қизидан бири Эронда муҳожирликда таваллуд топди. Тўртинчи фарзанди Темурхўжа Истанбулда туғилди. Бирор бир муҳожир ўзбекнинг тарихи битта мамлакат тарихи билан боғлиқ бўлмаганидек, Усмон Хўжанинг ҳаёт йўли ҳам Афғонистон, Туркия, Польша, Эрон, Покистон давлатлари тарихи билан боғлиқдир. Мусофирлик ва ватангадолик жабрини кўрган Усмон Хўжанинг ўлиmidан олдинги айтган сўзи ҳам Ватан каломи бўлди.

Усмон Хўжа 1922-йилда Афғонистон чегарасига ўтар экан, аجدодлари юрти Ўзбекистонга бир кун қайтиб келиш орзуси билан бир умр яшади. У совет ҳокимияти “қум устида” қурилган давлат, бу давлат тезда қулайди, Туркистон озод бўлади деб ўйлади. Аксинча, совет ҳокимияти яшовчан бўлиб чиқди, 75 йиллик умри давомида бу тузум туфайли миллионлаб ватанпарвар, миллатпарвар кишилар қатағон қурбони бўлдилар, муҳожирликда, ўзга юртда ватан ҳасрати билан дунёни тарк этган Усмон Хўжа ватанига қайтганида ҳам 1937-1938 йилларгача етиб бормасди. У хорижда яшади, ўз эътиқоди ва Ватан озодлиги учун курашди,






оқил фарзандларни тарбиялаб вояга етказди. Унинг зурриётлари, фарзанд ва набиралари ўзлари яшаб турган мамлакатларнинг илм-фани, иқтисодиёти, маданияти ривожига имкон қадар хизмат қилиб келмоқдалар.

(Қанақа оралиқ?) Профессор Р.Т.Шамсутдинов илк бор Усмонхўжа Пўлатхўжаев ҳақида тарихий ҳақиқатни ёритганидан 14 йил ўтиб 2005 - йили Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг ўғли Темурхўжа ўғли турк тилида «Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва инқилоблар: 1900 – 1924» номли китобида Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг Усмонхўжа ҳақидаги мақоласини эслаб шундай ёзган эди: «Ўзбек тарихчиси профессор Рустамбек Шамсутдинов 1991 - йил 15 - октябрда Ўзбекистон матбуотида ҳаяжон билан шундай ёзган эди: «Биз, тарихчилар, Усмонхўжа Пўлатхўжани сотқин, инглиз жосуси деб туҳмат қилдик. Биз тарихий асарларимизда Усмонхўжани ва инқилобимиз жангчиларини хоин, инқилоб душманлари, буржуа миллатчилари, пантуркчилар, панисломчилар деб қоралашда давом этдик. Бу билан биз ўз асарларимиз, тадқиқотларимиз, докторлик диссертацияларимиз синфий, партиявий ва байналмилал замон руҳида ёзилганлигини исботлашга ҳаракат қилдик».[7.28] Тарихчи Р.Т.Шамсутдинов Усмон Хўжанинг Бухородаги айрим сиёсий фаолияти ҳақида маълумот бериб, «Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг бутун сиёсий портретини чизиш, унинг ҳаёт йўли ва фаолиятининг ижобий ва салбий томонларини ўрганиш ҳужжатлаштирилган манбалар ва хотиралар асосида тўғри баҳолаш зарур...» дея қўшимча қилади. Усмон Хўжа (Хўжаўғли) 90 йиллик ҳаётида кўплаб тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган ва уларнинг баъзиларида «тарихчи» ролини ўйнаган».[5]

Профессор Р.Т.Шамсутдинов мустақиллик йиллариданоқ жадидлар фаолиятини чуқур ўрганишга ва ҳолисона ёритишга киришди. Жумладан, Усмонхўжа Пўлатхўжаев ҳаёти, унинг БХШЖ даги фаолиятини ва мухожирликка чиқиб кетиш сабабларини энг биринчилардан бўлиб ёритди. Бу ҳам албатта катта машаққат, меҳнат ва жасоратни талаб этади. Устозимиз жонкуярлиги ва меҳнатсеварлиги биз ёш тарихчиларга илҳом бағишлайди, бизни ҳам янада теран фикрлашга, жадидлар ҳаётини ва уларнинг ватанимиз мустақиллиги учун қурбон бўлган машаққатли ҳаёт йўлини чуқурроқ ва ҳолисона ўрганишимизга ва таҳлил қилишимизга туртки бўлади.





Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг. Олий Мажлисга Мурожатномаси. 2020 йил 25 январь // Халқ сўзи, 2020 йил 26 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. <https://president.uz/list/view/6007>
3. Шарқий Туркистон // “Ёш Туркистон”, 1933йил. 44 сон. – Б.12 (араб имлосида).
4. Бобожонова Ф.Ҳ. XIX аср охири XX аср бошларида Бухорода таълим тизими.Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.Тошкент.–2011.–Б. 25.
5. Шамсутдинов Р. Усмонхўжа ватан хоини эмасди // Халқ сўзи. – Тошкент, 15.10.1991.
6. Темур Хўжа ўғли. Азон ТВ телеканали “Фикрат таҳлилий дастури” даги суҳбатидан 2023 – йил апрел. [https:// youtube.com/live/oQ51k6-GXIo?f](https://youtube.com/live/oQ51k6-GXIo?f)
7. Timur Kocaoglu. Türkistan’da Yenilik Hareketleri ve İhtilaller: 1900 – 1924. 2005. – S.28

